Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 11-aprel, shanba, № 46 (3551)

> “Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш — мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.
>
> **Ислом КАРИМОВ**”

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам Олий Мажлис депутатлари!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлик-омонлик, бахт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончни ўзим учун аввало улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман — бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлиғимни сафарбар қиламан.

Қадрли дўстлар!

Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, амалга ошираётган қатъий ўзгариш ва ислоҳотлар натижасида **бугун эришаётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.**

Буларнинг асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда “ўзбек модели” деб ном олган, машҳур беш тамойил — принципга асосланган, тадрижий — эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу моделнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Ўзбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўрамиз.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда — ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Фермер хўжаликларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ёки бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75-77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунимиз, **тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиши муқаррар.**

Шуни тўлиқ асос билан айтишимиз мумкин — айни шу каби ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охирги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва 2015 йилда ҳам — шунга ишончимиз бор — бундан кам бўлмаслигини инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, **мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир.**

Аммо шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир аччиқ ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим. Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг устига, жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётгани, рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани **барчамиздан аввало бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади.**

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўламан.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўз ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислоҳотларни янги, юксак босқичга кўтариш — айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтаи назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётимизда амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларни, **авваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, янги, замон талаб қиладиган даражага кўтариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очиқ айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга — тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.**

Биринчи навбатда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш — биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Айтиш керак — ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин, минг афсуски, хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлиги барчамиз учун аён бўлишига қарамасдан, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз, **аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаяпти, ўзининг кутилган самарасини бермаяпти.**

Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа — маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифа ва ваколатларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари, асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз керак.

Шулар қаторида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига ҳам кўпгина хорижий фирма ва компаниялар тажрибаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатадики, **Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оқлаётган йўлидир.** Бунинг афзаллиги шундаки, хорижлик акциядорлар — муассислар қўшма корхоналарга аввало илғор, юқори технологияларни олиб келиш билан бирга, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий этади.

Шу аснода биз хорижий давлатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун очиқлигимизни билдириб, бу борада янги йўл ва имкониятлар очиб беришга тайёрмиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган айни шундай ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Қадрли дўстларим, юртдошларим!

Рухсатингиз билан яна бир ўта муҳим ва барчамизни ўйлантирадиган масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, бугунги кунда барчамиз қандай ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларни олиб келиши мумкин бўлган замонда яшамоқдамиз.

Айни шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак.

Яна ва яна бир бор айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан — **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.**

Бугун яқин атрофимизда вужудга келаётган ўта мураккаб вазиятда айни шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул, деб биламиз. **Илгари ҳам айтганимдек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак.**

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга, уларнинг мана шу залда ўтирган вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча давлат раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Менга юксак ишонч билдирган она халқимга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим қиламан.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш — мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Доимо соғ-омон бўлинглар, қадрдонларим!

Тошкентда 10 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан”.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

ЎзА

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Япония Бош вазири — **Шиндзо Абэ**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**

Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**

Ветнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чионг Тан Шанг**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти — **Абдулазиз Бутефлика**

БМТ Тараққиёт дастури маъмурияти раҳбари — **Ҳелен Кларк**

ЮНЕСКО Бош директори — **Ирина Бокова**

Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби — **Кунио Микурия**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэролин Лэмм**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**

“Германия — Ўзбекистон” жамияти вице-президенти — **Петер Шпари**

Сайловларни кузатиш бўйича Европа академияси президенти — **Стеф Горис** табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ФАХР

БУЮК АЖДОДИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Соҳибқирон Амир Темур хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тарғиб этишга доимо алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрел куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 11-aprel, shanba, № 46 (3551), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ШҲТ МАТТ КЕНГАШИНИНГ XXVI МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги XXVI мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ШҲТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси ва ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2016-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳалари маъқулланди.

Экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги фаолиятни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳақида келишувга эришилди.

ШҲТга аъзо давлатлар ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатлар ўртасида интернет тармоғидан террористик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича биргаликда ўқув машқлари, шунингдек, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган учинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари Экспертлар гуруҳининг ташкилотга аъзо давлатлар хавфсизлигига таҳдид соладиган террористик, сепаратистик, экстремистик ташкилотлар ва гуруҳларнинг ноқонуний фаолиятига қарши ҳамкорликда курашишни мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди.

ШҲТ МАТТ фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек, Ижроия қўмита фаолиятини ташкилий, молиявий ва кадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди. Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолияти ижобий баҳоланди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлиси 2015 йил сентябр ойида ўтказилади.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, шу орқали иш ўринларини сақлаб қолиш ҳамда истеъмол бозорига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН КОРХОНА

Хоразм вилоятидаги "Шоҳтекс" қўшма корхонаси негизида "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банки киритган сармоя эвазига ташкил қилинган «Катқалъатекс» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган шундай тадбирлар самарасида қирққа яқин малакали ишчи-ходим яна иш жойига қайтди. 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Фаолияти қайта тикланган корхона йилига 10,5 миллион жуфт пайпоқ ва 780 минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугун "Катқалъатекс" белгиси билан харидорларга таклиф этилаётган маҳсулотлар мамлакатимиздаги кўплаб савдо дўконларида сотилмоқда.

Суратларда: ишчилар — Гулруҳ Матчонова, Хуршида Матёқубова ва Ширин Нуржонова.

Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган суратлар

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Мактаблар, коллежлар ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида Гулистон шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактабида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Б.Исматов, бирлашма юристи Ш.Умаралиева, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперти Ғ.Зокировлар болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга оид Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларига риоя этилиши бўйича батафсил маълумот беришди.

Семинар қатнашчилари мавзуга оид саволларига мутахассислар томонидан тегишлича жавоб олдилар.

Ф.ТАШТАНОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида касабақўм раиси Санжарбек Қодиров амалга оширилган ишлар хусусида батафсил ахборот берди.

Жамиятда 612 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Жамоа аъзоларининг 166 нафари аёллар, 101 нафарини эса ёшлар ташкил этади. Бу ерда 15 та цех касаба уюшмаси мавжуд бўлиб, барча қуйи гуруҳларда ҳисоботлар ўтказилиб, фаоллар сайлаб олинди.

ЖАМОА МАМНУН

Таъкидланганидек, ижтимоий шерикликка оғишмай амал қилиниши туфайли ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, бандлик, ишчилар ва улар оила аъзолари маънавиятини юксалтириш, соғломлаштириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёзлардан фойдаланиш имконияти кенгайди. Сўнгги беш йилда ҳар бир ходим учун жамоа шартномалари орқали сарфланган маблағ икки бараварга ортди.

Конференцияда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишчи-ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масалаларига бўлган эътибор йил сайин ортиб бораётгани қайд этилди. Жумладан, биргина 2013-2014 йилларда меҳнат муҳофазаси тадбирларига 405 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

"Маънавият соатлари"нинг мунтазам йўлга қўйилганлиги, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарғиботи йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз ижобий самарасини бераётир. Касаба уюшмаларининг 12,5 млн. сўмлик маблағи ҳисобига катта цехда ташкил этилган спорт зали зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Корхонада умумхалқ байрамларини кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказиш анъана тусини олган. Нафақага кузатилаётган ишчиларга иззат-икром кўрсатилиб, муносиб рағбатлантириш, пенсияга чиққан ходимларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш жамоанинг доимий эзгу юмушларидан бирига айланди.

Эришилаётган ютуқлар хусусида сўз борганда, бир жиҳатга алоҳида тўхталмоқ жоиз. Яъни, ўтган йили "Андижон биокимё заводи" АЖ қошида банкнинг 2,5 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредити асосида 125 ўринга мўлжалланган замонавий мактабгача таълим муассасаси қад ростлади. Муассаса жаҳон стандартлари асосида жиҳозланди, турли эртак қаҳрамонлари акс этган ўйингоҳлар, минифутбол, волейбол ва баскетбол майдончалари, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзалари, бешта гуруҳнинг ҳар бирига мослаштирилган ёзги айвончалар қурилди. Муассаса ҳудудида гулзор, мевали ва манзарали дарахтлардан мўъжаз боғ ташкил этилди. Бу, шубҳасиз, ишчи-ходимлар ҳамда уларнинг фарзандларига чексиз қувонч бағишлади.

Йиғилишда, шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Конференцияда касаба уюшма қўмитаси, тафтиш комиссияси таркиби ва раисларини, юқори касаба уюшма ташкилотлари конференциясига делегатларни сайлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Нурилло НУЪМОНОВ, "Ishonch" мухбири. Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

КЎКЛАМ ШУКУҲИ

Хайрли ишлардан бири кўчат экиб, боғ яратишдир. Ана шу ҳикматга амал қилган боғбонлар эрта баҳордан бўш ва очиқ майдонларга мевали, манзарали дарахт кўчати ўтказиш ишларини авж олдирди.

ЖАРҚЎРҒОН БОҒЛАРИ

Жарқўрғон тумани соҳибкорлари йил сайин мевали боғларни кенгайтиришга эътиборни кучайтираётгани ўз самарасини бера бошлади. Бугунги кунда туман ҳудудида 444 гектар мевали боғ, 550 гектар токзор, 601 гектар тутзор мавжуд. Кейинги пайтда интенсив боғлар ҳам кўпаймоқда. Ўтган йили "Жарқўрғон серҳосил боғлари" фермер хўжалигида 2 гектар, "Ҳамкорлик НК" хўжалигида 5 гектар майдонда интенсив боғ яратилганди. Шунинг ҳисобига ҳудудда интенсив боғлар майдони 125 гектарга етди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жарқўрғон туман кенгаши раиси Суюн Жумаевнинг маълумотига қараганда, жорий йилда яна 15 гектар майдонда шундай боғ бунёд этилади.

Рустам ДАВЛАТОВ, "Ishonch" мухбири

«ЖИЗЗАХ» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИДА

Жиззах воҳаси истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада кўркам қиёфа касб этиб бормоқда. Вилоятда ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технология билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналар барпо этиш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар даражасида ривожлантиришга эътибор кучайтирилди.

ЯНГИ СОҲАЛАР РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

— Шаҳар-у қишлоқларга ўзгача зеб бериб турган, замонавий меъморчилик асосида бир-бирини такрорламайдиган бино ва иншоотлар, мактаб ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари... Бу каби бунёдкорлик ишлари истиқлол мевасидир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Тўлибой Тўйчиев.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш, ушбу хўжалик юритувчи субъектларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти анча жонланди. Ўтган йили 1179 та корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари, хусусий фирмалар сингари нодавлат секторда меҳнат қилаётган 4941 нафар ходим аъзоликка олинди. Бу аввалги йилга нисбатан икки баробарга кўп демакдир.

Ҳудудий бирлашма қошида янгитдан ташкил этилаётган корхона, ташкилот, муассаса, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш жараёнида зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришда бепул ёрдам кўрсатадиган "Услубий марказ" жамоатчилик асосида ишлаб турибди.

"Жиззахпластекс" қўшма корхонасида меҳнат қилаётган 745 нафар ходим мазкур Марказ томонидан касаба уюшмасига жалб этилган бўлиб, бугунги кунда бошланғич касаба уюшмаси муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони вилоят тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу тарихий ҳужжат асосида воҳада улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Жиззах шаҳрининг саноат ҳудудида жами қиймати 286,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган етмишта йирик қувватларни ишга тушириш режалаштирилди. Ҳозирда "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзбекчармпойабзали" ва Республика алоқа тармоғи идоралари ҳамкорлигидаги олтита янги корхона фаолият бошлаши учун энг сўнгги ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Жиззах махсус индустриал зонасининг Сирдарё филиалида 15,5 миллион АҚШ долларига тенг тўртта лойиҳа амалга оширилди. Булар — мобил телефонлари ишлаб чиқариш, сўйилган кичик ва йирик шохли моллар ички аъзоларини қайта ишлаш, қушлар учун озуқа тайёрлаш каби корхоналардир.

Умумий қиймати йигирма миллион АҚШ долларига тенг бўлган 12 та лойиҳа бўйича меморандум имзоланди.

Шунингдек, маҳаллий инвесторларга тегишли 19 та лойиҳа махсус индустриал зонаси маъмурий кенгашига тақдим этилиб, керамзит ишлаб чиқариш сингари маҳаллий хомашё ҳисобига ишлайдиган еттита лойиҳа маъқулланди. Қатор лойиҳа бўйича ҳужжатлар муҳокамага киритишга тайёрланаётган бўлса, бир нечта бизнес-режа ниҳояланмоқда.

— "Жиззах-МИЗ" дирекцияси давлат унитар корхонаси касаба уюшмалари хизматига олинган. — дейди ташкилот раҳбари Алижон Абдуллаев. — Бошланғич касаба уюшмамизга мана бир йилдирки, Мўминжон Зоиров етакчилик қилади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашни ижтимоий шериклик тамойили асосида олиб боряпмиз. Олдимизда инвестиция лойиҳалари бўйича жорий йилда улкан ҳажмли, тиғиз вақтда амалга оширилиши режаланган кенг кўламли ишлар турибди. Улар орасидан автомобил ва темирйўл транспорти бутловчи қисмлари, қуёш батареялари, тежамкор ёриткичлар, иссиқ ва совуқ сув учун трубалар, гилам ва гилам маҳсулотлари учун полипропилен ип ишлаб чиқаришнинг ҳам ўрин олгани эътиборли. Ҳозирда қатор янги ишлаб чиқариш корхоналарида сўнгги ташкилий ишлар кетмоқда. Улар тўла шаклланиб, фаолият бошлагач, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришилади.

Ҳадемай, вилоятда машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат ва фармацевтика, тиббиёт маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш саноатига ихтисослашган кўплаб йирик қувватлар ишга туширилади. Пировардида ички истеъмол бозори янги ва арзон маҳсулотлар билан тўлса, яна бир муҳим жиҳати минглаб янги иш ўрни ташкил этилади.

Абдуманнап АЗИМОВ, "Ishonch" мухбири

«КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

Наврўз айёми арафасида сўлим Нурота тизма тоғлари этагида жойлашган ота маконимиз — Накурт қишлоғига отландик. Табиат уйғонган. Ям-яшил либос кийган далаларга қўй-қўзи, сигирларини ўтлатишга олиб чиқиб, чиллак, минди-минди каби ўйинларни берилиб ўйнаётган болакайлар машина ойнасида бир лаҳза акс этиб, ортда қолади.

УРУҒИМИЗНИНГ

Болалигим, копток қувалаб юрган дамларим, тенгқурларим билан қирларга чиқиб, оқ теракми-кўк терак, тақма-тақ каби ўйинларга андармон бўлиб, кеч тушганини ҳам сезмай қолганим, қоронғуликда жарликка юмалаб, қўлимни лат едириб олган пайтларимни кўз ўнгимда қайта жонлантирганча уйга қандай етиб қолганимизни ҳам сезмабман.

Наврўз баҳона оилам, яқинларим дийдорига тўйдим. Бу куниси отам эрта туришда ҳикмат кўп, қуёш чиққунча кўп нарсага улгурасан, Худо ҳам эрта турганга беради, дея тонг саҳарда уйғотди.

Гап орасида Эржигит бобонгни ҳам кўриб, дуосини ол, деб қолди. У киши ҳозирда уруғимизнинг энг улуғи бўлиб, бир отадан тарқаганмиз.

Катта акам билан Эржигит бобоникига бордик. Бобонинг ўғли Қаршибой ака бизни меҳмонхонага бошлади. Бобо ҳозирда Самарқанд давлат университетида таҳсил олаётган эвараси Обиджон билан гурунглашиб ўтирган экан. Салом бериб, ичкари кирдик.

— Воалайкум ассалом, келинглар, болаларим, — деди бобо юзидан нур ёғилиб.

Эржигит бобо билан суҳбатимиз узоқ чўзилди.

— Умр югурик, уни тутиб бўлмас экан. Дарёдай бир зумда оқиб ўтиб кетаркан, — деди Эржигит бобо гап асноси. — Ҳозирда тўқсон бирни қораладим. Бу ёшга етгунча не-не кунларни кўрмадим. Уруш йиллари, у даврдаги одамлар бошига тушган қийинчиликлар, бир бурда нонинг қадри...

Узоқ ўтмиш бизнинг-да кўз ўнгимизда жонланди. Фурсатдан фойдаланиб, бобонинг таржимаи ҳоли билан қизиқдик.

Эржигит Эгамбердиев 1924 йил 4 февралда Накуртда туғилди. Ёшлиги уруш йилларига тўғри келди. «Фарҳод» ГЭСи қурилишида жонбозлик кўрсатди. Уруш тугагач, жамоа хўжалигида меҳнат қилди. «Фарғона», «Бўзсув» каналлари қурилишида қатнашди. Бу даврда Тошкент бухгалтерлар тайёрлаш курсида сиртдан ўқиб, қишлоққа қайтгач, 1970 йилгача ҳисобчи бўлиб ишлади.

Чўлларни ўзлаштириш бошланганда оиласини олиб, Жиззах вилоятига кўчиб борди. У ерда 1990 йилгача янги очилган давлат хўжалигида чорвачилик бўйича бухгалтерлик қилди. Мамлакат мустақил бўлган илк йилдан колхоз архивида фаолият юритиб, 1994 йилда пенсияга чиқди ва катта ўғли истиқомат қилаётган ота уйига кўчиб келди.

Рафиқаси Буйрама момо билан тўрт ўғил, етти қизни тарбиялаб, элга қўшган бобо ҳозирда 50 дан ортиқ невара, 100 дан ортиқ эвараси бағрида кексалик гаштини суриб, умргузаронлик қилмоқда.

Катта ўғли Қаршибой ака ёшлигидан деҳқончиликка меҳр қўйди. Карим ака Жиззах вилоятининг Зафаробод тумани ҳокимияти, Саидқул ака ички ишлар, Аҳмад ака мудофаа тизимида нуфузли лавозимларда ишлади. Қизлари ҳам бир оиланинг суюкли бекаси бўлиб, ўзидан тинчиди.

— Ҳа, майли. Бугундан гаплашайлик. У кунларни эслаш ҳам оғирлик қилади кишига, — деди узоқ сукутдан сўнг бобо. — Байрамларда фарзандларим бола-чақасини олиб, совға-саломлар билан мени кўргани келишади. Бу пайтда уй тўйхонага айланади. Уларга бу ёруғ кунларнинг қадрига етинглар, болаларим, дея қайта-қайта уқтираман. Ҳа, тинчлик энг катта неъмат. Истиқлол бизга ўзлигимизни қайтарди, миллий қадриятларимизни тиклади. Бир-биридан кўркам замонавий таълим даргоҳлари қурилди. Келаётганда қишлоқ мактаби ҳам янгиланаётга-

2015-yil 11-aprel, shanba, № 46 (3551), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ҳуқуқий муҳофаза

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилаётир. Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунларда белгиланган муддатларга амал қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, ходим ва иш берувчи ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий келишмовчиликларнинг олдини олишда бирлашма кенгашида ташкил этилган "Ишонч телефони" қўл келмоқда.

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА

Мисол учун, вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази гинекология бўлими врачи М.Эшчанова, марказ лаборанти М.Жуманиёзова, Гурлан туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Бўзқалъа" ҚВП ҳамшираси З.Иноятоваларнинг маъмурият томонидан тўлиқ ставка иш билан таъминланмасдан, меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходими Б.Ражабованинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун ҳисобланган пуллари тўланмаганлиги тўғрисидаги мурожаатлари атрофлича ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, ходимлар ҳуқуқини суд орқали тиклаш масаласида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Питнак шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳайдовчиси лавозимида ишлаб келган Ф.Хўжаметовнинг ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган пайти учун иш ҳақини ундириб беришни сўраб йўллаган шикояти ўрганилиб, маъмурият томонидан бир қатор ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Музокаралар йўли билан ишни адолатли ҳал этиш чораси топилмагач, касаба уюшма ҳуқуқшунослари фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлди. Натижада, суд қарори орқали Ф.Хўжаметов ўз ишига тикланди. Унга мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб берилди. Бундан ташқари, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келган З.Жуманиёзова маъмуриятга тақдимнома киритиш йўли билан ишга тикланди.

М.БОЛТАЕВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юрисконсулти

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

БУНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Пешку Бухоро вилоятининг ярим чўл ҳудудида жойлашган. Майдони анчайин кенг. Жондор, Ромитан, Шофиркон туманлари билан боғланиб, қўшни Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига туташган. Мустақилликка эришилгунга қадар тилга олгулик саноат корхонаси бўлмаган. Аҳолининг турмуш даражаси ҳақида ҳам жўяли фикр айтиш қийин эди...

Бугун тамоман ўзгача манзаранинг гувоҳи бўласиз. Истиқлол шарофати билан обод манзиллар кўпайиб, фаровонлик сари залворли қадамлар ташланди. Туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Мавлоновнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар, истиқболдаги режалар хусусидаги сўзлари бизда катта қизиқиш уйғотди. Жойларда бўлиб, унинг сўзлари исботини кўрдик.

АФШОНАДАГИ ИНТЕНСИВ БОҒ

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино таваллуд топган Афшона қишлоғи кун сайин чирой очиб бораётир. Бухородан туман марказига шу қишлоқ орқали борилади. Уч йил муқаддам савоб ишга қўл урилди. Катта асфалт йўлнинг ўнг томонида интенсив боғ ташкил этишга киришилди. "Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" ОАЖ тизимидаги "Пешкупахтатозалаш" ОАЖ жамоаси ушбу хайрли ишнинг ташаббускори бўлди.

5 гектар майдонда олманинг "Голден делишес", "Жонаголд", "Гала маст", "Гала", нокнинг "Аббат фител", "Санта Мария", "Вилямс", гилоснинг "Стела" ва юқори ҳосил берадиган қароли (олхўри) кўчатларининг пакана типидан 9664 тупи ўтқазилди. Шохлар синиб кетмаслиги учун симбоғозлар тортилди. Малакали мутахассислар ва тажрибали боғбонлар бундай хайрли ишга бош-қош бўлишди.

— Ер тайёрлашдан бошлаб, ҳозиргача ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди М.Мирзаев номидаги республика мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиали директори, тадқиқотчи олим Маҳмуд Саидов. — Очиғини айтсам, Словениядан келтирилган кўчатларни бизнинг шароитда ўстириш кўпроқ масъулият ва эътиборни талаб қилади. Чунки ерларимиз шўрхок. Шунга қарамай, кўчатларни тўлалигича асраб қолиш, иқлимимизга мослаштириш ва улардан юқори ҳосил олиш чораларини кўраяпмиз. Агар ниҳоллар агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинса, 20-25 йил мобайнида ҳар гектаридан 80-120 тоннача ҳосил олиш мумкин бўлади.

"Пешкупахтатозалаш" ОАЖ раиси ўринбосари Зайниддин Азимовнинг айтишича, боғ бултур ўзининг дастлабки ҳосилини берган. Ялпи олма ва нок ҳосили салмоғи салкам 50 тоннага етган. Катта сиғимли совутгич қурилмаларида сақланаётган юқори сифатли мевалар арзон нархларда бозорларга чиқарилмоқда ва ишчи-ходимларга берилмоқда. Жорий йилда ҳосилдорликни янада ошириш чоралари кўриляпти.

Бугунги кунда тумандаги фермерлар ихтиёрида 1045 гектар мевазор, 646 гектар узумзор мавжуд. Йил якунида 25,4 минг тонна мева, 11,3 минг тонна узум ишлаб чиқариш режалаштирилган.

ИШБИЛАРМОН

Гўзал Омонова — қишлоқ қизи. Ҳаракатчан. Гўзал раҳбарлик қилаётган "Ривож — 98" фермер хўжалиги 1998 йилда ташкил топган. Аввалига фақат пахта ва ғалла етиштирилган бўлса, кейинчалик тармоқ анча кенгайди.

Суратда: боғбонлар Хайрулло Саидов ва Нарзи Ниёзов

Бугунги кунда 30 нафар қишлоқдошига доимий иш ўрни яратган тадбиркор 82 гектар экин майдонига эга. Уларнинг 59 гектарида пахта ва ғалла етиштирилса, 4 гектарида интенсив боғ яратилган. 2 гектар мева-сабзавот учун ажратилган. Шунингдек, 1 гектарда иссиқхона, унумдорлиги паст майдонлардан ўзлаштирилган 0,35 гектар ҳавзада эса балиқчилик ривожига зўр бериляпти.

Кўп тармоқли хўжаликда кейинги йилларда чорвачилик ва паррандачилик ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирда 76 бош сигир парвариш қилинмоқда. Говмишларнинг бари Украинанинг "Қизил чўл" ва Германиянинг "Симментал" зотига мансуб. Уларнинг ҳар биридан кунига 20-22 литрдан ёғлилик даражаси 4,2 фоиздан кам бўлмаган сут соғиб олиняпти. Туман ҳокимлиги чорва учун 16 гектар озуқа майдони ажратганлиги эса айни муддао бўлди.

Бугина эмас. Хўжаликда 2,5 минг бош бройлер товуқлари боқиш учун алоҳида бино тайёрлаб қўйилди. Бугун-эрта шартнома асосида харид қилинадиган "Росс — 308" зотли паррандалар парвариши бошлаб юборилади.

— Аҳил жамоамиз аъзоларининг аксарияти ёшлар, — дейди илғор чорвадор Бекмурод Жониев. — Олинаётган даромаддан ҳаммамиз баҳрамандмиз. Самарали ишлашимиз, дам олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Ойлик маошларимизни вақтида олиб турибмиз. Албатта, хўжалик раҳбари томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганимиздан ҳам мамнунмиз.

ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Буни Янгибозор шаҳарча фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган "Пешку генч" хусусий корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Тадбиркор Валерий Ҳамроевнинг саъй-ҳаракатлари билан 250 миллион сўмлик банк кредити эвазига хориждан харид қилинган замонавий тегирмон бир кеча-кундузда 30 тоннагача ғаллани қайта ишлаш қувватига эга. Қишлоқ аҳолиси ўз ихтиёридаги дондан кафолатланган юқори сифатли ун ва кепак олиш имкониятидан мамнун.

Муҳими, тегирмонни ишга тушириш натижасида 12 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Шу ернинг ўзида фаолиятини бошлаган "Вахтел Эссен" масъулияти чекланган жамияти новвойхонаси аҳолига 8 турдаги нон ва нон маҳсулотларини тортиқ этмоқда. Германия технологияси асосидаги сўнгги русумдаги печларда бир кеча-кундузда 2 тоннагача сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имкони мавжуд.

— Цехда 5 киши ишлаймиз. Шароитларимиз яхши, — дейди уста Ўлмас Жумаев. — Маҳсулотларимиз сифати харидорлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Шунингдек, мажмуада макарон ишлаб чиқарувчи цех аҳоли талабларини тўла қаноатлантирмоқда. Санкт-Петербург шаҳридан келтирилган янги ускуналарда 5 нафар ёш 6 турдаги макарон маҳсулотлари тайёрлаяпти.

Туманда бу каби хориж технологияларидан фойдаланиб, истиқболли режалар амалга оширилаётир.

ИККИ АСР ГУВОҲИ

"Қучоқ" маҳалла фуқаролар йиғининнинг Манғитлар қишлоғида 115 ёшли Робия момо Султонова умргузаронлик қилади. Онахон ҳаёти анчайин машаққатли кечган. Оила сардори фронтга кетгач ёлғиз фарзанди Бобожон билан қолган, яшашга бошпана, ейишга нон тополмай қийналган пайтлари бўлган...

— Шукрким, мустақиллик замонида яшаш менга ҳам насиб этди. Муродимга етдим. Янги давр менга иккинчи ҳаёт бахш этди. Аллоҳим озод ва обод юртимизни ҳамиша ёмон кўзлардан асрасин, — дея Робия момо кўзларида севинч ёшлари билан дуога қўл очди.

Икки аср гувоҳи Робия момо эъзозда. 75 ёшли ўғли Бобожон Бозоров хонадонида тўкин-сочинлик. 12 нафар невара, 35 нафар абира, 18 нафар чевара атрофида парвона. Зиёрат қилгувчиларни-ку қўяверасиз...

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида куни-кеча туман тиббиёт бирлашмаси вакиллари келиб, уни поликлиникага олиб боришди ва тиббий кўрикдан ўтказишди. Онахон, соғ-саломат экан. «Ҳали узоқ йил яшайсиз», дейишганида, кўнгли тоғдек юксалди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

Суратда: новвойлар Жасурбек Ниёзов ва Наргиза Исматова

УЛУҒИ

нини кўргандирсизлар? Бунақа шароитда улғайган бола ўзида озгина интилиш бўлса, келажакда ким бўлиб етишиб чиқишини яхши биласизлар.

Байрамларни айтмайсизми?! Қишлоқларда одамлар йиғилиб, Йилбоши ўтказмоқда. Қозон-ўчоқ осиб, сумалак, ҳалим пиширмоқда. Наврўз эзгуликлар олиб келсин, баҳор серёғин бўлиб, деҳқонларимиз ҳосилига барака берсин, деб тилаклар билдирмоқда. Обиджон билан Наврўзнинг муҳташам майдонда қандай шодиёна билан нишонланганини кўриб, ҳали-ҳануз ўзимга келолмаяпман. Юртбошимиз «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Кўзлаган мақсад-муддаомизга албатта етамиз!», деганларида кўзларимга ёш келди. Мени ҳам мана шундай дориламон кунларга етказгани учун Аллоҳимга шукроналар айтдим.

Ёшлигим қийинчиликда ўтди. Қурғоқчилик йилларини кўрдим, очарчиликнинг азобларини бошдан кечирдим. Фронт ортида не-не заҳматлар чекиб ишлаган халқ қаторида бўлдим. Мана бугун рўшноликда яшаяпман. Юртбошимизга катта раҳмат. 1994 йил 6 май куни «Шуҳрат» медали билан тақдирлади.

Бобо тин олади. Ўрнидан туриб, тўрдаги шкафдан бир папкани олиб, қалтироқ бармоқлари билан авайлаб тутганча очади. Минг марта кўргани ҳужжатга яна бир бор ҳаяжон ила термулиб, бизга узатади. Ундан меҳнат фронти фахрийси бўлган Эржигит бобонинг 1995 йилнинг 20 апрелида «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан тақдирланганини ҳам билиб оламиз.

— Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганидан беҳад суюндим, — дея гапини давом эттиради бобо. — Бу биз, нуронийларга юксак эҳтиром белгисидир. Ўтган йилнинг кузидаги Президентимизнинг Фармони асосида соғлиғимизга алоҳида эътибор қаратилиб, йилда бир марта исталган санаторийга бепул йўлланма билан таъминланадиган бўлдик. Байрамларда ҳокимият, турли ташкилотлар вакиллари, касаба уюшмалари фаоллари уйга ташриф буюришмоқда. Куни кеча ҳам қатор ташкилотлардан келган вакиллар Наврўз айёми билан қутлаб, совға-саломларини бериб кетишди. Бундай эъзозу эътибор учун давлатимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Бобо қўлидаги «Шуҳрат» медалини сийпалаганча яна ўйга чўмади.

— Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежизга айтишмаскан, — дейди ўртадаги жимликни бузиб бобонинг набираси Оқбой ака. — Менинг ҳам, акамнинг ҳам болалари бобосининг ёнидан жилмайди. Эртак, достон, бирор ҳикоя ёки бошидан ўтган воқеаними айтиб беришини сўрайди. Бобом уларнинг сўзини ерда қолдирмайди. Китоб ўқишда ҳикмат кўплигини уқтириб, эвараларини мутолаага даъват этади. Улар ҳам бобосининг айтганини икки қилмай, ўқигани-ўқиган. Дарслардан баҳоси фақат «беш». Мана, Обиджон ҳам бобоси тарбиясини олиб кам бўлмади. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, авсал лицейда ўқиди, ҳозирда Самарқанддаги нуфузли олийгоҳда давлат гранти асосида таҳсил олмоқда.

Ҳа, бу каби муҳитда тарбия топган фарзанд келажакда, албатта, етук инсон, юрт корига ярайдиган малакали мутахассис бўлиб етишади. Чунки улар кичиклигиданоқ эзгулик ичида униб-улғаяди. Китобга меҳр қўяди. Бир сўзда айтганда, турмушнинг паст-баландини эрта англайди. Яъни, ҳаётнинг ўзи уларни юксак маънавият соҳибига айлантиради.

Юзидан нур ёғилиб турган бу қалби дарё отахон хайрлашар экан қўлларини дуога очди: «Илоё, соғомон бўлинглар. Мустақил юртнинг эркин фарзандлари бўлиб, шу Ватан, шу халқ учун бор куч-ғайратингизни ишга солиб, меҳнат қилаверинглар. Йўлларинг ҳамиша порлоқ бўлсин, болажонларим».

Уруғимизда Эржигит Эгамбердиев каби инсонлар борлигидан кўнгилда фахр уйғонади. Беихтиёр қишлоққа келаётгандаги ҳолатимни кўз олдимга келтираман: тинч-осуда замонда эмин-эркин, шод-хуррам, турфа машиналарда юрибмиз. Бу кунларга етишимизда ёшлиги не бир заҳмат билан ўтган Эржигит бободек нуронийларимизнинг ҳиссаси нақадар катта эканлигини яна бир карра ҳис этаман.

У кишининг бундан-да улуғ ёшларга етиб, ҳозиргидек бардам-бақувват бўлиб юришини Аллоҳдан сўраганча бир олам таассуротлар билан ортга қайтамиз...

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири

ОЛАМ ВА ОДАМ

Инсонга берилган исм унинг тақдирига таъсир қилиши мумкин. Бу фантастика ҳам, мистика ҳам эмас, балки мутахассислар томонидан "яширин эго" деб аталган руҳий феномендир, деб ёзади Huffington Post.

ИСМ ТАЪСИРИ

Олимлар аниқлик киритишича, умримиз давомида исмимизни бошқа ҳар қандай сўзга нисбатан кўпроқ эшитамиз ва ёзамиз. Натижада, одамлар исмга ҳамоҳангликда ҳаракат қила бошлайди. Яъни, номларида ўз исмларида мавжуд ҳарфларга эга бўлган буюмлар, шаҳарлар ва ҳатто касбларни танлайди.

Руҳшунослар Филипп исмли кишилар Филаделфияда яшашни исташи ёки Дениз ва Денис исмлари эса дантист (тиш шифокори)лар орасида кўп учрашини мисол қилиб келтирди.

"Яширин эго" намоён бўлишини мутахассислар қуйидагича тушунтириб берди: кўпчилик одамларда ижобий нарсалар билан боғлиқ шахсий тушунчалар бўлади. Шу тушунчаларга алоқадор ҳар қандай нарса, шунчаки фонетик ўхшашлик бўлса-да, уларга ижобий бўлиб туюлади.

НОЁБ ҚУЁН

Хитойда "Қизил китоб"га киритилган ва одамлар сўнгги бор бундан 22 йил олдин кўрган қуён тури топилди, дея хабар бермоқда China news.



"Сеҳрли қуён" деб ном олган антиқа қуённинг тури Или Пика деб аталади. У "Қизил китоб"га киритилган ноёб жониворлардан бири саналади. Узунлиги 20 сантиметр бўлган "Сеҳрли қуён"нинг яшаш тарзи ҳақида маълумотлар жуда кам.

Тян-Шан тоғларида яшовчи ушбу жониворни охирги бор 1983 йили табиатни муҳофаза қилиш хизмати вакили Ли Вэйдун кўрган ва суратга олганди. Мана орадан 22 йил ўтиб, ушбу қуён одамларга ўзини яна кўрсатди.

МИТТИ КОМПЮТЕР

Michigan Micro Mote дунёдаги энг митти автоном компютерни намойиш этди. Унинг ҳажми атиги бир куб миллиметрга тенг, деб ёзади "Hitech.ru".



Кичик ҳажмига қарамай, қурилма суратга туширади, ҳароратни аниқлай олади ва босим кўрсаткичларини қайд этади. Компютернинг ягона камчилиги — унга клавиатура, сичқонча ёки мониторни улашнинг иложи йўқ. Бироқ олимлар бунинг бошқа йўлини ўйлаб топди: оператор томонидан компютерга юқори частотали маълум импулслар орқали ахборот жўнатилади. Девайснинг ўзидан ахборот юбориш эса радиосигнал ёрдамида амалга ошади.

Қурилманинг ихчам ҳажми уни тиббиётда (организмга киритиб, баъзи кўрсаткичларни мониторинг қилиш учун) ва нефт қазиб олишда (нефт конларини топиш учун) қўллаш имкониятини беради.

МАРСНИНГ МУЗ ХАЛҚАЛАРИ

Астрономлар Марснинг шимолий ва жанубий яримшарларини ўраб турувчи ҳалқалар муздан иборатлигини аниқлади. Бу ҳақда The Washington Post хабар бермоқда.



Марсни ўраб турувчи ҳалқалар кашф қилинганига кўп бўлди, аммо олимлар уларнинг таркибини аниқлай олмаётган эди. Улар музлаган сувдан, музлаган углерод диоксидидан ёки зичлашган тоғ жинсларидан иборат деган тахминлар илгари суриларди. Сўнги ўн йил мобайнида сунъий йўлдошлардан олинган маълумотлар бу масалани ҳал қилишга ёрдам берди.

— Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳалқаларда 150 млрд. кубометр сув жамланган. Бу Марсни 1,1 метр баландликда сув билан қоплашга етарлидир. Музликлар сайёранинг шимолий ва жанубий яримшарларида ҳам жойлашган, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири Нанна Бернҳолт Карлссон.

13 КАРРА ТАЛАБА

АҚШ фуқароси Гаролд Экининг оиласи 10 йиллар аввал Нигериядан бу мамлакатга кўчиб келган. Бу йил у ўз омадини синаб кўриш истагида бирваракайига 13 та университетга ҳужжат топширди. Бу ҳақда Bloomberg нашри хабар тарқатди.

Гаролд 13 та олий ўқув юртига имтиҳон топширган ва уларнинг барчасига қабул қилинган. Уларнинг 8 таси дунёга машҳур ва обрўли олий ўқув юртлари саналади.

Ҳозир 18 ёшда бўлишига қарамай кучли билими ва салоҳияти орқали ушбу натижага эришган Гаролд Эки болалигидан яхши ўқигани ва келажакда шифокор бўлишни орзу қилишини айтган.

У нейрожарроҳ бўлишни истайди ва бувиси каби Алцгеймер касаллигига чалинган беморларни даволаш усулини топишни ният қилмоқда.

Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоалари бирлашма кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедовга онаси **Муҳаррам ая МАМАТҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ ходимлари Урганч шаҳар кенгаши раиси Сафаргул Бердиевага синглиси **Гулнора БЕРДИЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 11-aprel, shanba, № 46 (3551), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БУЮК АЖДОДИМИЗГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси Н.Ҳабибуллаев, тарих фанлари доктори Д.Юсупова, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Н.Мўминова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат намунаси сифатида қадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Бинобарин, Соҳибқирон қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик, бошқа соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончни англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Бобокалонимизнинг қудратли давлат, адолатли жамият барпо этиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ

фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган.

Соҳибқирон ўз тузукларида "Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳлининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим", яна бир ўринда "ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиётқор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажрибалар ҳосил қилардим", деб қайд этади. Бу "Куч — адолатда" шиорига амал қилинган буюк салтанатда инсон ва унинг шаъну шавкати олий қадрият сифатида юксак баҳоланганидан далолат беради.

Буюк бобомиз фаолияти, ўгитлари бугун ҳам бизга дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида инсонни улуғлаш, барча соҳада адолат тамойилига амал қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг юксак самаралари бунга яққол далилдир. Зеро, Соҳибқирон меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишдан асосий мақсад ҳам ана шу эзгу ниятлардир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланган жорий йилда бу борадаги хайрли ишлар янада кенг тус олган. Ҳар бир инсонга, хусусан, ёши улуғ кишиларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, нуроний отахону онахонларни рози қилиб, уларнинг дуою маслаҳатларини олиш ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Амир Темур монологини, ёш шоир Фахриддин Ҳайит Соҳибқиронга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

***

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур даврида илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда "Амир Темур — ёш рассомлар нигоҳида" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. "Шоҳруҳия – Темурийлар даври бунёдкорлиги ёдгорлиги" кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Сарвар ЎРМОНОВ
олган суратлар

ЁЗ — 2015

Самарқанд вилоятида болаларнинг жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш, оромгоҳларни тайёрлаш ва болажонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ОРОМГОҲЛАРДА ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

— Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг 2015 йил 27 февралдаги қарори билан мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича комиссия таркиби шакллантирилиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар дастури тасдиқланди, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Фарҳод Ҳидиров. — Вилоятдаги доимий фаолият кўрсатувчи 25та оромгоҳга бошқарма ва идоралар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимлик вакиллари, касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари масъул этиб белгиланди. Улар томонидан дастлаб оромгоҳлардаги бино ва иншоотларнинг ҳолати, жиҳозланиши ва бошқа жиҳатлари ўрганиб чиқилди. Шу асосда муассасаларда ободонлаштириш, жорий ва капитал таъмирлаш ишлари бошланди. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган дастурга кўра, Ургут туманидаги янги — "Чор чинор" оромгоҳида қурилиш ишлари якунига етказилаётган бўлса, "Золотинка" ва "Баҳора" оромгоҳлари капитал таъмирланмоқда. Шундай бунёдкорлик ишлари Самарқанд туманидаги "Соғлом авлод" оромгоҳида ҳам олиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар барча оромгоҳлар ҳудудида 12 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер майдони мавжуд бўлган оромгоҳларда сабзавот ва полиз экинлари экилди.

Жорий йилги мавсумда вилоятдаги доимий ва кундузги оромгоҳларда 22 минг 500 нафар болажонларни дам олдириш кўзда тутилган. Бунинг учун зарур маблағ ва бошқа имкониятлар манбалари аниқланиб, тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ҳар бир оромгоҳнинг қабул режасидан келиб чиққан ҳолда, муассасалар ва таъминотчи корхоналар ўртасида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича келишувларга эришилмоқда.

Оромгоҳларда кўчма кутубхоналар ташкил этиш ва турли тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш, ижодий кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари, маданий тадбирлар уюштириш юзасидан вилоят халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, муассасаларда фаолият кўрсатадиган тарбиячи, етакчи, тиббиёт ходимлари, мусиқа ва жисмоний тарбия йўриқчилари ҳамда бошқа тўгарак раҳбарлари рўйхатлари шакллантирилиб, улар учун ўқув семинарлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Реклама ва эълонлар

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Пойтахтимизда ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди. Тўққиз кун давомида спорт ихлосмандлари дунё қиличбозларининг қизиқарли баҳсларига гувоҳ бўлди.

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан Халқаро қиличбозлик федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада юзга яқин давлатдан таширф буюрган спортчилар ўзларининг қанчалик тайёргарликка эга эканликларини кўрикдан ўтказишди.

— Юқори даражадаги мусобақанинг юртимизда ташкил этилганидан барчамиз фахрланамиз. Бундан ташқари, қиличбозликнинг ривожида ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур чемпионат биздай ёшлар учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди, — дейди терма жамоамиз вакиласи Муштарий Абдураззоқова.

— Жаннатмонанд юртингиз, меҳмондўст халқингиз ҳақида кўп эшитгандим. Мана, Тошкентга келиб, бу гапларнинг барчаси рост эканига ишонч ҳосил қилдим. Мусобақа юксак савияда ташкил этилгани, яратилган шароитлар эса барчамизни бирдай қувонтирди, — деди чемпионат ғолиби, италиялик спортчи Дамиано Росателли.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Управление благоустройства хокимията Навбахорского района. ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«Текущий ремонт улицы «Совунгар» ССГ Арабсарой Навбахорского района (1,12 км)».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 140 243 526 сум, с НДС 168 292 231 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

Заказчик **Управление благоустройства хокимията Навбахорского района.**

Расположенный **Навбахорский район, ул.Навои.**

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств местного бюджета.

(размер квот для субъектов малого бизнеса 25%)

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия, 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия, 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия, 2А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензированы.

Реклама ва эълонлар

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисм штаб биноси ётоқхонасини мукаммал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: **926 344 373 сўм ҚҚС киз; 1 111 613 247 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **213 банк куни.**

Таъмирлаш ишлари: **Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Буюртмачи: **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг капитал қурилиш ва фойдаланиш бошқармаси.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй, тел: 0(371) 260-39-96.

Кичик бизнес субъектлари учун квота 100%.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи қучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (+99898) 276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

"Buxoro Global Realtor" МЧЖ томонидан "Ishonch" газетасининг 2015 йил 17 февралдаги №23(3528)-сонида танлов савдолари ўтказилиши юзасидан чоп этилган хабарномада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли ҳамда Бухоро вилоят Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 31 декабрдаги №2002-сонли қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Газли шоҳ ва А.Ғиждувоний кўчаларидаги кесишмаси ҳудудидан "Болалар спорти соғломлаштириш ва кўнгил-очар маркази, сув хавзалари, умумий овқатланиш ҳамда савдо мажмуаси бинолари" қуриш учун ажратилган 13,8 гадан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига чиқарилган. Танлов савдосини ўтказиш комиссиясининг 2015 йил 27 мартдаги №25-сонли баённомасига мувофиқ юқоридаги ер участкасининг ҳужжатларини қайта батафсил ўрганиб чиқиш ва тегишли хулоса қабул қилиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш 2 ой муддатга кечиктирилганлигини маълум қилади.

Қўшимча маълумотлар учун Бухоро вилояти Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.тел: (+99893) 960-69-00, Факс (+99865) 221-54-43 www.bgr.gl.uz. Лицензия RL 0171.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ва «Агробанк» АТБ Хўжаобод филиали қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 45-уй), Тел: (998 74) 223-08-28

1.) ЛОТ-1

ЛОТ 1-1. Андижон шаҳридаги 280 ўринли 5-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 850.700.011 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 708.916.676 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

ЛОТ 1-2. Шаҳрихон туманидаги 90 ўринли 26-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 445.217.830 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 371.014.858 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

ЛОТ 1-3. Хўжаобод туманидаги 140 ўринли 15-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 328.707.322 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 273.922.768 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун

2.) ЛОТ-2

ЛОТ 2-1. Андижон шаҳридаги 280 ўринли 18-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 777.810.527 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 648.175.439 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

ЛОТ 2-2. Шаҳрихон туманидаги 140 ўринли 12-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 507.118.261 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 422.598.551 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

ЛОТ 2-3. Избоскан туманидаги 90 ўринли 17-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 328.001.310 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 273.334.425 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун

3.) ЛОТ-3

ЛОТ 3-1. Олтинкўл тумани Сувюлдуз ҚФйдаги 90 ўринли 15-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 323.148.559 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 269.290.465 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 3-2. Избоскан туманидаги 90 ўринли 30-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 294.909.830 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 245.758.192 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 3-3. Булоқбоши тумани "Қумгузар" МФЙдаги 140 ўринли 5-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 317.798.328 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 264.831.940 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун

4.) ЛОТ-4

ЛОТ 4-1. Улуғнор тумани Мингбулоқ ҚФйдаги 90 ўринли 12-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 320.816.313 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 267.346.927 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 4-2. Улуғнор туманидаги 90 ўринли 1-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 305.731.431 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 254.776.192 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 20 кун.

ЛОТ 4-3. Пахтаобод туманидаги 280 ўринли 27-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 839.406.309 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 699.505.257 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати –140 кун

5.) ЛОТ-5

ЛОТ 5-1. Асака туманидаги 280 ўринли 39-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 894.834.992 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 745.695.827 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

ЛОТ 5-2. Марҳамат тумани "Марказий" МФЙдаги 140 ўринли 5-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 276.899.935 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 230.749.946 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 5-3. Бўз туманидаги 140 ўринли 6-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 428.442.208 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 357.035.173 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун

6.) ЛОТ-6

ЛОТ 6-1. Балиқчи тумани "Чинобод" МФЙдаги 140 ўринли 2-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 483.746.675 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 403.122.229 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 6-2. Андижон шаҳар Бухоро кўчасидаги 220 ўринли 25-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 949.220.610 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 791.017.175 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

ЛОТ 6-3.Жалақудуқ туманидаги 180 ўринли 1-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 364.273.049 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 303.560.874 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун

7.) ЛОТ-7

ЛОТ 7-1. Андижон туманидаги 90 ўринли 31-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 288.717.303 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 240.597.752 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 7-2. Андижон туманидаги 120 ўринли 7-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 437.092.223 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 364.243.519 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 7-3. Қўрғонтепа тумани Чимён ҚФЙ «Бешкалтак» МФЙдаги 15-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 271.883.970 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 226.569.975 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун

8.) ЛОТ-8

ЛОТ 8-1. Хонобод шаҳридаги 115 ўринли 4-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 352.574.998 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 293.812.498 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 120 кун.

ЛОТ 8-2. Асака туманидаги 140 ўринли 3-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш (1-этап).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 597.998.427 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 498.332.022 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 140 кун.

Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

Буюртмачи: "Агробанк" АТБ Хўжаобод филиали
(Хўжаобод шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 125-уй), Тел: (998 74) 741-11-58

9.) Хўжаобод тумани Узун кўчасида жойлашган «Агробанк» АТБ Хўжаобод филиали биносини капитал реконструкция қилиш;

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 1.386.074.503 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС киз) – 1.155.062.086 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

Молиялаштириш манбаси: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

* 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

* Бошқа, манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг танлов (тендер) савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотларнинг иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

* Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

* Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

* Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

**** Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (0 374) 223-57-05.***

* Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 100 000 сўм.

* Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

* Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Изоҳ: буюртмачи *"Агробанк" АТБ Хўжаобод филиалининг* объекти бўйича танлов савдоларига РЕЕСТРга киргаган ташкилотлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

"Оҳангарон қурама авто сервис" МЧЖ корхонасига шаҳар ва шаҳар атрофида юк ташиш фаолиятини амалга ошириш учун олинган АТ серияли 1572663, 1572662, 1572657, 1572656, 1546220, 1546219, 1546217, 1546216, 1545663, 1545662, 1524122, 1523948, 1523945, 1523944, 1523799, 1523798, 1523359, 1523210, 1523209, 1483813, 1523947, 1523797, 1523796, 1523208, 1545904, 1483814, 1483812, 1483811 лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

***

"Қурилиш ғишт барака" МЧЖга шаҳар атрофида юк ташиш фаолиятини амалга ошириш учун олинган АТ серияли №1545656 лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Choriyev

Bosishga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:30

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 415 | 19386 nusxada bosildi | 13456